



ЧОРВА МОЛЛАРИ ЎҒРИЛИГИ ЖИНОЯТИ БЎЙИЧА ХОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Курамбаев Тохир Хосинбаевич

ИИВ Академияси Тергов фаолияти кафедраси бошлиғи
ўринбосари, ю.ф.ф.д. (PhD), майор ;

Бобомуродов Фарход Боймуротович

Тошкент шаҳар ИИББ ТБ ЯТБМ масъул ходими, ю.ф.ф.д. (PhD),
подполковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14762747>

ARTICLE INFO

Received: 20th January 2025
Accepted: 26th January 2025
Published: 29th January 2025

KEYWORDS

ABSTRACT

Чорва моллари ўғрилиги билан шуғулланадиган шахслар ўз жиноий гуруҳларини шакллантиришда иштирокчиларнинг жиноят содир этишга тайёргарлик даражасини, жисмоний ва руҳий қобилиятини ҳамда бошқа жиҳатларини эътиборга олишди.

Жиноят содир этиш усулини танлаш, биринчи навбатда, чорва моллари ўғрилигини содир этишда жиноятчиларнинг мақсадлари билан белгиланади ва ўғриланган чорва молларини сақлаш жойи билан бевосита боғлиқдир. Мисол тариқасида, Қашқадарё вилоятида тегишли тартибда айрим жиноят ишлари ўрганилганда, чорва моллари ўғрилигини содир этган жиноий гуруҳ аъзолари сони 4-8 нафаргача бўлгани, ташкилотчи, жиноий гуруҳ раҳбарлари томонидан ҳар бир иштирокчининг вазифаси аниқ тақсимланиши, чорва моллари ўғриликлари асосан кечқурун содир этилиб, жиноий гуруҳ аъзоларининг айримлари спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда жиноий ҳаракатни амалга оширгани, шунингдек жиноий гуруҳ аъзолари ўғриланган чорва молларнинг бир қисмини истеъмол қилиб, қолган қисмини режага асосан бошқа шаҳар-туманга сотиб юборилгани маълум бўлган ¹.

Чорва моллари ўғриликларининг олдини олиш ва уларни фош этиш учун мазкур жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ҳақида маълумотларни ўрганиш талаб этилади.

Чорва моллари ўғриликларининг содир этилишига имкон берган сабаб бу мазкур жиноятни содир этган шахс (шахслар)нинг ижтимоий ҳолати билан боғлиқ жараёндр. Буларга: айбдор шахсларнинг ижтимоий фойдали машғулот билан шуғулланмаслиги; ойлик маош оилани ва бошқа шахсий эҳтиёжларини қондиришга етишмаслиги; шахсларнинг фойдали машғулот турига эга бўлишни хоҳламаслиги, дангасалик кабиларни мисол сифатида келтириш мумкин.

Чорва моллари ўғрилигининг содир этилишига имконият яратувчи бир қанча қулай шарт-шароитлар мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради: чорва молларининг яйловларда қаровсиз қолдирилиши, фуқаролар чорва молларининг молхоналарида эшиклари қулфланмаган ҳолатда сақланиши, ҳовли деворларининг мустаҳкам эмаслиги, чорва молларини кўриқлаш шароитлари талаб даражасида эмаслиги. Бундан

¹ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг тегишли топшириғи асосида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ўрганилган жиноят иши қўзғатишдан рад этилган 272 та терговга қадар текширув материаллари, 150 та жиноят ишлари бўйича умумлаштирилган ҳисоботи.

ташқари, ҳаво иссиқ пайтларда фуқароларнинг чорва моллари кечаси ҳовлида ёки усти очик жойларда, атрофи шох-шаббадан ясалган қўраларда сақланади. Бундай жойларга кириш жиддий қийинчилик туғдирмаслиги табиий ҳол, албатта.

Чўпонлар, отбоқарлар, подачиларнинг уларга ишониб топширилган чорва молларига нисбатан эътиборсиз, масъулиятсиз муносабатда бўлиши чорва моллари ўғриликларининг содир этилишига имкон яратади. Жумладан, жами ўғриликларнинг 22,3 фоизи – яйлов ва ҳовлилардан, 77,7 фоизи эса чорва моллари боқиладиган ва сақланадиган молхоналардан содир этилгани буни тасдиқлайди².

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, яйлов ёки қир-адирларда содир этилган чорва моллари ўғриликлари одатда 2-3 кундан кейин аён бўлади. Чунки чўпонлар чорва молини бировнинг подасига қўшилиб кетган ёки бошқа жойда ўтлаб юрибди, деган гумонда бир-неча кун яйлов ҳудудида уларни қидириб юрадилар. Жиноятчилар эса бу вақт ичида ўғриланган чорва молларини сўйиб, сотиб юборишга ҳам улгуришлари мумкин.

Кўп ҳолларда жиноятчилар ўғриланган чорва молларини, маҳаллий ИИОлари ходимларининг бундан хабари йўқ деган ҳаёлда, бошқа туман ёки вилоятларда сотадилар. Баъзилар чорва молларининг гўштини харид қилувчи шахсларни ресторан, чойхона ёки кафеларда ишловчи ходимлар орасидан топадилар.

Буларнинг ҳаммаси мазкур жиноятларнинг тез фурсатларда, яъни “иссиқ изи”дан фош этилишига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда.

Республикамиздаги чорва моллари ўғриликларига доир

2024 йилда юритилган 150 та жиноят ишлари таҳлил қилинганида мазкур жиноятларни содир этган шахсларга оид қуйидаги маълумотлар аниқланди:

айбдор шахсларнинг жинсига кўра: ушбу жиноятларнинг асосий қисмини (96,4%) эркаклар, қолганини аёллар содир этган;

ёшига кўра: жиноятчиларнинг 25 фоизини – вояга етмаганлар, 75 фоизини 18 – 50 ёшдаги шахслар ташкил этган;

ижтимоий ҳолатига кўра: 37 фоизи – илгари судланган, 33 фоизи – вақтинча ишсиз (шундан 25 фоизи ҳуқуқий онги ва маданияти юқори бўлмаган фуқаролар); 30 фоизи – чорва молларини қўриқлайдиган шахслар, яъни чўпонлар, вояга етмаганлар, жабрланувчилар билан бир маҳаллада яшовчи, ишловчи фуқаролар ёки яқин танишлари (куёви, жияни, синфдош ўртоғи ва бошқ.).

Чорва моллари ўғриликларининг содир этилиш ҳолати ва вақти таҳлил қилинганида қуйидагилар аниқланди:

иштирокчиликда ёки якка шахс томонидан содир этилишига кўра: 88,7 фоизи – иштирокчиликда (2-3 нафар ёки ундан ортиқ шахслар биргаликда), 11,3 фоизи якка тартибда содир этилган;

содир этилиши вақтига кўра: 90,6 фоизи – тунда (соат 20:00 дан 06:00 га қадар), 9,4 фоизи эса кундузи (07:00дан 20:00 га қадар) содир этилган. Бунинг асосий сабаби тунги вақтда чорва молларини қўриқлаш ишларига етарли эътибор берилмайди;

ҳафта кунларига кўра: 14,4 фоизи – душанба; 16,1 фоизи – сешанба; 11,3 фоизи – чоршанба; 10,8 фоизи – пайшанба; 11,9 фоизи – жума; 16,8 фоизи – шанба; 18,7 фоизи – якшанба кунларига тўғри келган. Бундан чорва моллари ўғриликлари кўпроқ дам олиш кунлари содир этилишини кузатишимиз мумкин;

йил фаслларига кўра: 29,4 фоизи – кузда (9,8 фоиз – сентябрь, 9,9 фоиз – октябрь, 9,7 фоиз – ноябрда); 33,9 фоизи қишда (14,3 фоиз – декабрь, 11,3 фоиз – январь, 8,3 фоиз – февралда); 25,0 фоизи – баҳорда (13,3 фоиз – март, 4,3 фоиз – апрель, 7,4 фоиз – майда); 11,7 фоизи – ёзда (2,3 фоиз – июнь, 2,3 фоиз – июль, 7,1 фоиз –

² Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2024 йил 12 ойлик жиноятчиликка оид ҳисоботлари.

августда). Демак, жиноятларнинг аксарияти йилнинг салқин ва совуқ фаслларида содир этилади³.

Чорва моллари ўғрилиги билан боғлиқ жиноятларини фош этиш ҳамда дастлабки тергов ва суриштирувнинг сифатли ўтказилишига хизмат қилувчи муҳим тергов ҳаракатларидан бири бу – ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш саналади.

Мазкур тергов ҳаракати натижасида қуйидаги масалаларга аниқлик киритилади:

ўғрилик содир этилган вақти, жойи ва усули;

жиноятчининг чорва моллари турган жойга кириш усуллари ва чиқиш йўллари;

қандай чорва моллари ва қанча миқдорда ўғриланганлиги;

транспортдан фойдаланилганми ёки йўқми, фойдаланилган бўлса унинг тури;

ўғрилик содир этилган жойда қандай излар ва нарсалар қолдирилганлиги ва шу каби бошқа ҳолатлар⁴.

Кўздан кечиришни бошлашдан аввал мавжуд ҳолатга қандай ўзгартиришлар киритилганлиги (нарсаларнинг ўрни ўзгартирилганми, ўғрилик содир этилганидан кейин кўздан кечирилиши керак бўлган жойда ким юрганлиги ва бошқалар) аниқланади⁵.

Кўздан кечириш тактикасини қўллаш бевосита чорва моллари ўғриланган жойдан бошланади, бу эрда излар ва бошқа ашёвий далиллар топилиши мумкин. Шунингдек, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатини бошлашдан аввал унинг мақсадли амалга оширилишига эришиш учун жабрланувчи ва унинг оила аъзолари ёки ҳодиса гувоҳлари ёхуд чўпонлар билан батафсил гаплашиб, ҳолатга ойдинлик киритиб олиш тавсия этилади. Масалан, чорва молини оилада ким боқиши, охирги маротаба ким унга ем-хашак берганлиги, агар чўпонга топширилган бўлса, ундан охирги маротаба уларни қаерларда боққанлиги, бир кун олдин уларнинг сонини санокдан ўтказган-ўтказмаганлиги ва шу кабиларни аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ. Шундан келиб чиққан ҳолда, кўздан кечиришда асосан қаерларга ва қайси ҳолатларга эътибор қаратиш лозимлигини аниқлаб олиш мумкин.

Кўздан кечириш жойи ёпиқ ёки очиқ бино ёхуд яйлов бўлиши мумкин. Ҳодиса жойида ўғриланган ҳайвонларнинг ҳам, жиноятчиларнинг ҳам излари қолдирилган бўлиши мумкин.

Тергов амалиётини таҳлил этиш кўпчилик суриштирувчи ва терговчилар ўғриланган чорва моллари сақланган биноларни яхши ёритилмаганлиги ва ифлослиги туфайли юзаки кўздан кечириётганликларини кўрсатмоқда. Ваҳоланки, бундай биноларда жиноятчилар ва ўғриланган ҳайвонларга тегишли бўлган излари ҳамда бошқа далилий ашёларни топиш имконини бериши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, чорва моллари ўғрилиги билан боғлиқ статистик маълумотларга кўра, 2023-2024 йилларда чорва моллари ўғрилиги бўйича юритилган 300 та жиноят ишларининг 11,7 фоизи ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми (якка, очиқ жойдан); 57,6 фоизи ЖКнинг 169-моддаси

2-қисми (анча миқдорда) “б” банди; 88,3 фоизи ЖКнинг 169-моддаси

2-қисми (бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб) “в” банди; 88,3 фоизи ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми (уй-жой, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб содир этилган бўлса) “г” банди; 17,4 фоизи ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми (такроран ёки хавфли рецидивист томонидан) “а” банди; 32,8 фоизи

³ Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ўзгалар мулкани талон-торож қилиш жиноятларга қарши курашиш” бўлимининг 2010 – 2024 йиллардаги ҳисобот маълумотномалари.

⁴ Шкодина Т.К. Осмотр места происшествия, как следственное действие: проблемы уголовно-процессуального законодательства и правоприменения при расследовании уголовных дел о преступлениях, связанных с хищением скота// Красноярск, 2020. С. 286-289.

⁵ Криминалистик тактика: Дарслик. Т.Б. Маматкулов ва бошқа. Т-2015 й ИИВ Академияси.

ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми (кўп миқдорда) “в” банди; 9,6 фоизи ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми (жуда кўп миқдорда) “а” банди; 8,1 фоизи ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми (ўта хавфли рецидивист томонидан) “б” банди; 6,7 фоизи ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми (уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса) “в” банди бўйича жиноят ишлари кўзғатилганлиги маълум бўлди ⁶. Бундан чорва моллари ўғриликларининг аксарияти *икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан содир этилиши ҳақида* хулосага келиш мумкин.

Чорва моллари ўғрилигининг салкам 89 фоизи *бир гуруҳ шахслар*, 11 фоиздан ортиғи эса *бир нафар шахс томонидан* содир этилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Аксарият ҳолларда ушбу гуруҳ 2-3 ёки ундан ортиқ шахслардан ташкил топади ва жиноятчилар ҳодиса содир бўлган жойнинг яқин атрофида, қўшни шаҳар-туман ёки қўшни вилоятнинг шаҳар-туманида яшайдиган шахслардан ташкил топади ⁷.

Чорва моллари ўғрилиги билан боғлиқ жиноятни тергов қилиш бўйича типик тергов вазиятлари ва исботланиши лозим бўлган ҳолатларда ҳодиса жойларида ҳайвонлар ёки жиноятчиларнинг оёқ изларидан ташқари, кўпинча ҳайвонларнинг юнглари ва экскрементлари, бузиш қуроллари, арқонлар, таёқлар, шунингдек, ҳайвонларнинг тақалари, териси, қони ва бошқа нарсалар топилиши мумкин.

Ҳайвон танасининг қисмларини кўздан кечиришда иштирок этиш учун мутахассис сифатида *ветеринар ёки зоотехникларни* чақириш тавсия этилади.

Яйловларда ва йўлларда одатда турли ҳайвонларнинг кўплаб излари учраганлиги сабабли, керакли изларни ажратиш олиш қийинчилик туғдиради. Шу боис, ушбу масалани муваффақиятли ҳал этиш мақсадида керакли изларни аниқлаш учун мутахассис сифатида *тажрибали чўпонлар* ва *подачиларни* таклиф этиш мақсадга мувофиқ.

Юқорида қайд этилганидек, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш натижалари, яъни излар, ашёвий далиллар, йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, зудлик билан шу ернинг ўзида тезкор қидирув ходимларига тегишли топшириқлар бериш лозим. Негаки, тезкор қидирув тадбирларини тўғри ва ўз вақтида ўтказиш мазкур турдаги жиноятларни иссиқ изидан фош этиш ҳамда сифатли тергов қилишининг зарурий шартларидан бири саналади. Ушбу масалада оз бўлсада кечикиш жиноятчиларнинг яшириниб улгуришига олиб келади. Натижада эса жиноятни фош этиш узоқ вақт ва катта меҳнат талаб этишига олиб келади.

Кўздан кечиришда баъзан чорва моли боғланиб турган арқоннинг бир қисми кесилган ҳолатда, ушбу чорва боғлиқ ҳолда турганда ерга қоқилган қозик ўрнидан олиб ташланганлиги ва шу каби бошқа ҳолатларда уларни ашёвий далил тариқасида олиш мақсадга мувофиқ.

Баъзан, шароитдан келиб чиқиб, жиноятчиларни ушлаш учун чорва моллари ўғриланган жойдаги худудни синчиклаб текшириб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда қидирув итидан фойдаланиш яхши натижа беради. У яширинган жиноятчиларни ҳамда улар ташлаб кетган ёки яширган турли нарсаларни, жумладан ўғриланган ҳайвонларни топишга ёрдам беради.

Чорва моллари ўғрилаш жиноятида ҳодиса жойини кўздан кечириш тергов ҳаракатида асосан чорва моллари сақланган молхоналар, қўй қўралар, ҳовлилар ва бошқа очиқ жойлар ҳодиса содир бўлган жойнинг предметини ташкил этиши мумкин.

⁶ Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги Тергов департаментининг 2023 – 2024 йиллардаги статистик ҳисоботи.

⁷ Бобомуродов Ф.Б. Чорва моллари ўғриликларининг тезкор-қидирув тавсифи // Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясининг ахборотномаси. – 2018. – № 3. – Б.60.

Мазкур турдаги жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойда аниқланиши мумкин бўлган ашёвий далил ва излар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- чорва моллариларнинг терилари ва бошқа тана қисмлари;
- арқонлар ва уларнинг қисмлари, пичоқлар;
- қўл артишга ишлатилган мато парчалар (сўйиб олиб кетилган ҳолатларда);
- транспорт воситаларининг излари;
- чорва моллари нимталашда ишлатилган болта ва бошқа асбоблар;
- сигарет ва бошқа биологик қолдиқлар ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда асосий ашёвий далил ва излар бўлиши мумкин.

Чорва моллари ўғрилаш жинояти бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш чоғида молнинг терисини ҳам ашёвий далил тариқасида олиш лозим⁸.

Чорва моллари ўғрилаш жинояти бўйича, агар чорва моллари жиноят жойида сўйилиб, гўшти олиб кетилган бўлса, жиноят жойида чорва молларининг териси ёки бошқа тана қисмлари ташлаб кетилади. Бундай ҳолларда, шу чорва молларининг териларини ва бошқа тана қисмларини кўздан кечиришга тўғри келади. Уларини кўздан кечиришда қуйидаги ҳолатлар ва белгиларга аҳамият бериш лозим: чорва моллари терисининг, калласининг ва бошқа тана аъзосининг шакли ва рангига; шохининг тузилишига; қулоқларидаги белгиларга ва бошқа ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратиш зарур.

Чорва молларининг тана қисмларида мавжуд бўлган ўзига хос белгилар ва аломатларни аниқлаш учун уларни батафсил кўздан кечириб, сифатли қилиб фотосуратга олиш тавсия этилади ҳамда уларни имкони қадар қушхоналарга топшириб, вақтинчалик, яъни кўздан кечириш, таниб олиш учун кўрсатиш каби тергов ҳаракатлари ўтказилгунига қадар музлаткичда сақлаш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ.

Агар чорва моллари ўғрилаш жиноятлари бўйича дастлабки тергов вақтида чорва молларининг териси ва бошқа қисмлари олинган ҳамда уларни кўздан кечириш пайтида таниб олиш учун кўрсатиш белгилари аниқланган бўлса, кейинги тергов ҳаракатлари жараёнида ушбу ашёвий далилларни жабрланувчи, гувоҳлар, гумон қилинувчи ва айбланувчига таниб олиш учун кўрсатишдан иборат тергов ҳаракатини ўтказиш лозим бўлади. Шу нуқтаи назардан, чорва моллари ўғрилаш жинояти бўйича жиноят жойида чорва молларининг териси ва бошқа тана қисмлари топилган бўлса, уларни рангли фотосуратга тушириш мақсадга мувофиқдир. Бунда уларни криминалистик техника қоидаларига риоя қилган ҳолда ва таниб олиш учун белгиларни деталлаштириш усулидан фойдаланиб суратга олиш керак. Бу эса, ўз навбатида, бошқа тергов ҳаракатларини муваффақиятли ўтказиш имконини беради. Шунини эслатиб ўтиш лозимки, ёз пайтларида чорва молларининг тана қисмларини сақлаш бироз қийинчиликлар келтириб чиқаради ва улар қанча кўп турса, уларни таниб олиш шунчалик қийин кечади. Бу эса, ўз навбатида, келгуси тергов ҳаракатларининг сифатли ўтказилишига салбий таъсир этиши мумкин.

Шунингдек, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш жараёнида у ерда қолдирилган, ўғрилик содир этилишидан аввал чорва молининг бўйнига, қулоғига ва бошқа тана аъзосига осилган ип, мато ва бошқа шу каби ўзига хос ашёлар қолдирилган бўлиши мумкин. Бундан ташқари, автотранспорт воситасининг шина излари, шахсларнинг оёқ кийими изларини ҳам тегишли тартибда гипс ёрдамида ашёвий далил тариқасида олиш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ. Бу эса, кейинчалик суд-трасология экспертизасини ўтказиш орқали гумондор шахсларнинг ишга алоқадор ёки алоқадор эмаслигини аниқлаш имконини бериши мумкин.

⁸ Смирнов А.В., Калиновский К.Б. Уголовный процесс. СПб., 2006 36. Тактика следственных действий. /Под ред. В.И.Комиссарова., -Саратов. 2000.

Криминалистик тактикаси борасида ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишнинг яқунловчи босқичида тузилган баённомада кўздан кечириш давомида топилган барча ҳолатлар, улар қандай тартибда кўздан кечирилган бўлса, худди шу тартибда қайд этилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг тегишли топшириғи асосида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ўрганилган жиноят иши қўзғатишдан рад этилган 272 та терговга қадар текширув материаллари, 150 та жиноят ишлари бўйича умумлаштирилган ҳисоботи;
2. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2024 йил 12 ойлик жиноятчиликка оид ҳисоботлари;
3. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ўзгалар мулкани талон-торож қилиш жиноятларга қарши курашиш” бўлимининг 2010 – 2024 йиллардаги ҳисобот маълумотномалари;
4. Шкодина Т.К. Осмотр места происшествия, как следственное действие: проблемы уголовно-процессуального законодательства и правоприменения при расследовании уголовных дел о преступлениях, связанных с хищением скота// Красноярск, 2020. С. 286-289;
5. Криминалистик тактика: Дарслик. Т.Б. Маматкулов ва бошқа. Т-2015 й ИИВ Академияси;
6. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Тергов департаментининг 2023 – 2024 йиллардаги статистик ҳисоботи.
7. Бобомуродов Ф.Б. Чорва моллари ўғирликларининг тезкор-қидирув тавсифи // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2018. –№ 3. – Б.60;
8. Смирнов А.В., Калиновский К.Б. Уголовный процесс. СПб., 2006 36. Тактика следственных действий. /Под ред. В.И.Комиссарова., -Саратов. 2000.